

## Фарзанд тарбияси (14-дарс)



13:52 / 19.12.2017 4590

Дарс бошланишида телевизорда ҳаж ҳақида кўрсатув берилаётган эди ва ҳожиларнинг талбия айтаётганлари эшитилиб турарди.

Ота: «Фарзандларим, бу буюк талбиятни эшитяпсизларми? Булар Байтуллоҳни ҳаж қилувчилардир.

### Ҳаж

Ҳаж Ислоҳ асосларидан бешинчисидир. Аллоҳ мусулмонлардан қайси бири йўлга қодир бўлса, ўшаларга фарз қилгандир. Умр бўйи бир марта уни адо этиш фарздир. Мусулмон Маккаи мукаррамага, Каъбаи шарифга боради, эҳром кийимларини кияди. Ушбу кийим оқ бўлган чиройли матодир. Каъбани тавоф қилади, пок Замзам сувидан ичади, Сафо ва Марва

оралиғида саъй қилади, Исмоил алайҳиссаломнинг оналари Ҳожар онамиз қилганларидек, Арафотга, Муздалифага, Минога боради. Шундай қилиб, бу фойдали сафарда ҳаж маросимларини охиригача тугатади. Бу сафарни ҳар бир мусулмон иштиёқ ва талпиниш билан кутади», деди.

Маҳмуд: «Ота, бизга Каъба ҳақида сўзлаб беринг», деди.

Ота: «Каъба – ер юзидаги Аллоҳнинг биринчи уйи, яъни масжиди. Уни саййидимиз Иброҳим ва ўғиллари Исмоил алайҳиссаломлар Маккаи мукаррамада бино қилганлар. Мусулмонларнинг, яъни бизларнинг қибламиз бўлиб, унга мусулмонлар намоз ўқиганларида юзланадилар ва Иброҳим алайҳиссалом даврларидан то бугунги кунимизгача мусулмонлар ҳаж қилиб, у ерга борадилар.

Абраҳа деган одам уни бузмоқчи бўлган, лекин Фил сурасида келганидек, АЛЛОҲ Каъбани ундан ҳимоя қилган ва уни қўшини билан бирга ҳалок қилган. Бошқа дарсимизда бу қиссани сизларга, иншааллоҳ, ҳикоя қилиб бераман», деди.

Маҳмуд: «Отажон, қўшнимиз Аҳмад амаким эртага АЛЛОҲнинг уйини ҳаж қилишга кетаётганини менга айтди», деди.

Ота: «Худо хоҳласа, сафарга кетгунларича у кишини кўриб келамиз», деди.

Маҳмуд: «Аҳмад амаким фозил, солиҳ киши бўлиб, намозларни доим масжидда ўқийди, камбағалларга раҳмдиллик қилади, одамларга яхшилиқни хоҳлайди, мен у кишини жуда яхши кўраман. Ўғиллари Муҳаммадни ҳам яхши кўраман, у мусулмон, одобли, тарбияли бола», деди.

Ота: «Маҳмуд, уларни яхши кўришингни ўзларига айтганмисан? Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонлардан бирини яхши кўрганимизда уни хабардор қилиб қўйишимиз кераклигини айтганлар:

**“Мен сизни АЛЛОҲ йўлида яхши кўраман”.**

(Абу Довуд ривояти.)

Хабардор қилинган киши сенга **“Мени ўз йўлида яхши кўргинингиздек, сизни ҳам У Зот йўлида яхши кўрдим”**, дейди», деди.

(Абу Довуд ривояти.)

Фотима: «Бугун АЛЛОҲнинг гўзал исмларидан қайсиларини ёдлаймиз, отажон?» деди.

Ота: «АЛЛОҲнинг гўзал исмларидан **Муҳийт** (ҳар бир нарсани Ўз қудрати ила ўраб олувчи), **Ҳаққ** (ўзгармас, собит Зот), **Вакийл** (барчанинг иши Унга топширилган Зот), **Қовийй** (тенги йўқ даражада қувватли Зот), **Матийн** (матонатда чексиз бўлган Зот) бордир», деди.

Фотима: «Ушбу исмлар билан қасам ичса бўладими?» деди.

Ота: «Ҳа, Фотима, биз АЛЛОҲ ила қасам ичамиз ёки исмларидан ё сифатларидан бири ила қасам ичамиз. АЛЛОҲ номи ила қасам ичишимиз билан биз У Зотни улуғлаймиз. Шунинг учун улуғ бўлса ҳам, бошқа нарсалар ила қасам ичиш мумкин эмас. Пайғамбар номи ила ёки Каъба номи ила ёхуд ота ва бобо номлари ила қасам ичмаймиз.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**“Ким қасам ичмоқчи бўлса, фақатгина АЛЛОҲ номи ила қасам ичсин ёки жим турсин”,** деганлар.

*(Имом Бухорий, Муслим ривояти.)*

Фақатгина улуғ АЛЛОҲ номи ила қасам ичамиз, чунки кимнингдир номи ила қасам ичиш номига қасам ичилаётганни улуғлашдир. Ҳақиқий улуғлик эса АЛЛОҲга хосдир, бошқага эмас. У Зот Ҳаққ илоҳдир, буюк Холиқдир. Ҳар бир нарсани яратиб, ўлчовли қилиб қўйгандир. Башарни, қуёшу ойни яратгандир. Ўт-ўланни ва дарахтни йўқ жойдан чиқаргувчидир, донни ёмғир ила ўстирувчидир», деди.